



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INNOVATSION
RIVOJLANISH VAZIRLIGI

БУХОРО ВИЛОЯТИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

МАВЗУСИДА РЕСПУБЛИКА ИЛМий - АМАЛИЙ АНЖУМАНИ МАТЕРИАЛЛАРИ



БУХОРО-2020

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**“БУХОРО ВИЛОЯТИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ:
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР”**

**МАВЗУСИДА РЕСПУБЛИКА
ИЛМИЙ - АМАЛИЙ АНЖУМАНИ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

БУХОРО – 2020

ДАСТУРИЙ ҚЎМИТА

- | | |
|------------------|---|
| 1. О.Х. Хамидов | – Университет ректори, раис; |
| 2. О.С. Қахҳоров | – Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, раис муовини; |
| 3. М.И. Даминов | – Ўқув ишлари бўйича проректор, аъзо; |
| 4. А.М. Кадиров | – Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор, аъзо; |
| 5. С.Қ. Қахҳоров | – Касаба уюшмаси қўмитаси раиси, аъзо; |
| 6. Д.М. Жамолова | – Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.ф.д, котиб; |

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА

- | | |
|-----------------|---|
| 1.О.С. Қахҳоров | – Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, раис; |
| 2.О.Ҳ. Рахимов | – Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор, аъзо; |
| 3.Г.Т. Зарипов | – ИТ, И ва ИПКТБ бўлими бошлиғи, аъзо; |
| 4.А.Ҳ. Ҳамроев | – БухДУ тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи директори, аъзо; |
| 5.А.А. Икромов | – БухДУ ҳузуридаги илмий Кенгашларнинг мувофиқлаштирувчи илмий котиби |
| 6.Ф.Ф.Қосимов | – Ахборот технологиялари кафедраси ўқитувчиси, аъзо |
| 7.Н.Н.Зарипов | – Ахборот технологиялари кафедраси ўқитувчиси, аъзо |
| 8.Ж.Ю.Эргашев | – Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси, аъзо |

Маъсул муҳаррир:

Б.Н.Наврўз-зода

иқтисодиёт фанлари доктори., профессор

Такризчилар:

А.Б. Низомов

иқтисодиёт фанлари доктори., профессор.

К.Б. Аҳмеджанов

иқтисодиёт фанлари доктори., профессор.

Масалаларнинг ҳолисона ёритилганлиги, келтирилган далил ва илмий муомалага киритилган маълумотлар ишончлилиги бўйича масъулият муаллифлар зиммасидадир. Мақолаларда илгари сурилган фикр-мулоҳазалар конференция таҳрир хайъатининг нуқтаи-назари билан ҳамоҳанг бўлмаслиги мумкин.

Бухоро давлат университети кенгашининг 28.01.2020й навбатдан ташиқари йиғилишида кўриб чиқилиб, нашрга тавсия этилган.

ФАНГА ОИД КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШДА ДАСТУРИЙ ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНияТЛАРИ

Юсуф Юнусович Жамилов

Бухоро давлат университети, “Физика” кафедраси таянч докторанти.

Тахиров Акмал Мўминович

Когон шаҳар 8-сон умумий ўрта таълим мактаби технология фани ўқитувчиси

Ахборот коммуникацион ва инновацион технологиялар таълим мазмунини бойитади ҳамда ўқитиш шакл, усул ва воситаларини янгилаш вазифасини бажаради. Таълим жараёнига инновацияларнинг кириб келиши компьютер технологиясининг ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлиб, ахборот коммуникацион технологиялари ёрдамида таълим жараёнида педагогик дастурий воситалардан фойдаланиш, шу жумладан iSpring Suite дастурий пакети каби муаллифлик дастурий воситалари имкониятлари, талабаларнинг мотивациясини оширишда, фанга оид компетенцияларини баҳолашда энг содда ва сифатли усул ҳисобланади.

Муаллифлик дастурий воситалари ёрдамида таълимни бошқариш тизимининг (LMS) маълумотлар базасига жойлаштириладиган ўқув материаллар (электрон ўқув қўлланмалар, презентациялар, симуляторлар, видеотренинглар, тестлар) яратилади.

Муаллифлик дастурий воситаларини бир нечта турларга ажратиш мумкин:

1. Ўқув курсларнинг редакторлари (тахрирчилар);
2. Презентацияларни яратиш учун воситалар;
3. Тестлар, сўровномалар ва анкеталарни яратиш учун воситалар;
4. Монитордаги тасвирларни қамраб олиш учун воситалар;
5. Онлайн семинарларни ўтказиш учун воситалар.

Мультимедиали электрон ўқув курсларни яратиш имкониятини берувчи педагогик дастурий воситалар ичида юқори рейтингга эга бўлган iSpring Suite дастурий пакети .PPT, .PPTX, .PPS, .PPSX форматдаги файлларни Flash (.SWF) ва HTML5 форматига конвертациялаш имкониятини берадиган муаллифлик дастури ҳисобланади.

iSpring Suite дастури бир нечта дастурий модуллардан иборат:

- PowerPoint муҳитида мультимедиали электрон ўқув курслари ва Flash тақдимотларни яратиш (iSpring Pro);
- ностандарт тестлар, сўровномалар ва анкеталарни ишлаб чиқиш (iSpring QuizMaker);
- электрон курсларни иллюстратив имкониятларини ошириш учун интерактив элементларни яратиш (iSpring Kinetics) [2].

iSpring QuizMaker дастури фойдаланувчиларга интеллектуал викториналар ва саволларни яратиш, ностандарт тест турларини яратиш ва назорат ишларини электрон тарзда ўтказиш имкониятини яратади. Берилган саволлар ойнасининг кўринишини ихтиёрий тарзда ўзгартириш, саволлар тўпламига аудио ва видео файлларни, расм ва формулаларни жойлаштириш имкониятини яратади ва автоматик тарзда талабаларнинг берган жавобларини баллар ҳисобида ҳисоблаб бориш имконияти ҳам мавжуд.

iSpring QuizMaker дастури ёрдамида қуйидаги турдаги тест саволларни яратиш мумкин:

1. Верно/неверно (тўғри/нотўғри) тест тури – бунда савол берилиб, тўғри ёки нотўғри жавоби танланади;
2. Одиночный выбор (битта жавобни танлаш) – бир неча вариантдан керакли жавобни танлаш;
3. Множественный выбор (бир неча жавобни танлаш);
4. Ввод строки (сатр киритиш) – жавобни сатрга киритиш йўли билан жавоб бериш;
5. Соответствие (мос келтириш) – саволларни жавобларига мос келтириб қўйиш орқали жавоб бериш;
6. Порядок (тартиб) – жавобни керакли тартибга келтириб жавоб бериш;
7. Ввод числа (сонни киритиш) – сатрга савол жавобига мос сонни киритиб жавоб бериш;
8. Пропуски (тушириб қолдирилган) – тушириб қолдирилган сўзларни керакли жойга қўйиб ёзиш;
9. Вложенные ответы (жамлаган жавоблар) – жамланган жавоблар ичидан тўғри жавобни танлаш орқали жавоб бериш;
10. Банк слов (сўзлар омбори) – сўзлар омборидан керакли сўзларни тўғри кетма-кетликда қўйиш орқали жавоб бериш. Бунда сўзлар омборига сўзларни ҳам киритиш керак бўлади.
11. Активная область (фаол соҳа) – расмда актив соҳани танлаб, жавоб берилади. Бунда расмнинг бирор соҳасини танлаш керак бўлган савол киритилади [4].

Дастурий таълим воситаларининг анъанавий воситалардан устунлигини тасдиқловчи қатор ижобий омиллар мавжуд. Мазкур омиллар дидактик, психологик, иқтисодий, физиологик гуруҳларга ажратилади.

Дастурий таълим воситаларига қўйиладиган дидактик талабларга қуйидагилар киради: илмийлик, тушунарлилик, қатъийлик ва тизимлилик (педагогика, психология, информатика, эргономиканинг асосий тамойилларини, замонавий фаннинг

фундаментал асосларини ҳисобга олиб, ўқув фаолияти мазмунини куриш имкониятини таъминлаш), узлуксизлик ва яхлитлик (илгари ўрганилган билимларнинг мантикий давоми ҳамда тўлдирувчиси ҳисобланади), изчиллик, муаммолилик, кўргазмалилик, фаоллик (ўқитиш мустақиллиги ҳамда фаоллик хусусиятининг мавжудлиги), ўқитиш натижаларини ўзлаштириш мустаҳкамлилиги, мулоқотнинг интерфаоллиги, ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантириш ва амалиётнинг яхлитлиги.

Психологик талабларга идрок этиш (вербал-мантикий, сенсор-перцептив), тафаккур (тушунчавий-назарий, кўргазмали-амалий), диққат (қатъийлилиги, бошқага кўчиши), мотивация (юқори даражада кўргазмалилик, ўз вақтида қайта алоқа ёрдамида талабаларнинг юқори даражадаги мотивацияларини доимий равишда рағбатлантириш), хотира, тасаввур, ёши ва индивидуал психологик хусусиятларини ҳисобга олиш (эгаллаган билим, кўникма, малака ва компетенцияларини ҳисобга олиб, ўқув фани мазмуни ҳамда ўқув масалалари мураккаблик даражаси таълим олувчиларнинг ёш имкониятлари ва индивидуал хусусиятларига мос келиши, ўқув материални ўзлаштиришда ортиқча ҳис-ҳаяжонли, асабий, аклий юкламалардан таъсирланишдан ҳимоялаш) киради.

Эстетик талабларга тартиблилик ва ифодалилиқ (элементлари, жойлашиши, ўлчами, ранги), безашнинг функционал вазифаси ва эргономик талабларга мослиги.

Эргономик талабларга эса фойдаланувчига мослашиш ва экран шаклларини созлаш имкониятининг мавжудлигидир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки iSpring QuizMaker ёрдамида яратилган тестларни турли кўринишларда публикация қилиш ва ихтиёрий фанлар юзасидан фойдаланиш мумкин, бу эса талабаларнинг фанга оид компетенцияларини назорат қилиш ва баҳолашнинг холис усулларида бири бўлиб, тест дастурлари талабанинг баҳосини аниқ ҳолда кўрсатиб беради ва инновацион усулда назорат ўтказишни таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ишмухаммедов Р.Ж. “Инновацион технологиялар ёрдамида ўқитиш самарадорлигини ошириш йўллари”. Тошкент: 2000 й.
2. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-назарий асослари. Монография. -Т.: Фан, 2007 й.
3. Хамидов В.С. Талим тизимида кескин бурилишга сабаб бўлган 4 дастур ҳақида. <http://uz.infocom.uz/2009/12/21/ta'lim-tizimida-keskin-burilishga-sabab-bo'lgan-4-dastur-haqida/>.
4. www.ispring.com

329.	Жамолова Д.М., Тилавова Ш. Миллий матбуот саҳифаларида бухоро тарихи масалалари (“Ойина” журнали асосида)	1140
330.	Qahhorov O.S. Ta'lim jarayonida raqobat bardosh kadrlar tayyorlashda innovatsion texnologiyalardan foydalanishning ahamiyati	1145
331.	Жамолова Д.М., Шодиева Ш.С. Бухоро-туркия: маориф соҳасидаги алоқалар	1150
332.	Шойимов Ш.Ш., Кодиров Т.Ж Исследование основных закономерностей синтеза графт сополимера коллагена	1155
333.	Zaripov N.N. Maktab o'quvchilariga Game Maker dasturidan foydalanib dasturlash tillariga bo'lgan qiziqishini orttirish	1158
334.	Kasimov F.F. Zamonaviy ta'lim-tarbiyada: internet va yoshlar masalasi	1161
335.	Эргашов С.М. Малые отели Бухары: перспективы развития	1163
336.	Норов А.Э. Кичик ва ўрта корхоналарда инновацияларни тижоратлаштиришнинг ташкилий- иқтисодий механизмининг назарий - услубий жиҳатлари	1164
337.	Турсунов Х.Ш., Ҳикматов Ҳ.И., Ҳакимов Ў.Д. Қоракўлчиликда инновацион технологиялар асосида маҳсулдорликни ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашда кластер модулини шакллантириш.	1167
338.	Урбонбекова М.Т. Пуллар таклифини тартибга солиш инструментларидан фойдаланиш амалиёти	1170
339.	Худойқулова М.А.,. Худойқулова Д.А. Чўлпон ижодини ўрганишда бахс-мақоланинг ўрни	1174
340.	Кахарова И.С. Инновацион ривожланишда тилнинг аҳамияти	1177
341.	Каххорова Г.С. Тилнинг инновацион ривожланишида коннотациянинг аҳамияти	1182
342.	Худойқулов Ҳ.А. Ўзбекистонда олий таълим тизимини бошқаришни жадал ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш	1186
343.	Ҳамидов О.А. Техника йўналиши Олий таълим муассасаларида ўқитиладиган “ҳаётий фаволият хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси” фани буйица кўргазмали воситалар яратиш технологиялари.	1190
344.	Усанов М. М. Талабаларда булутли технологиялар асосида электрон таълим ресурсларини конструкциялаш ва улардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришнинг ташкилий- педагогик шарт шароитлари	1193
345.	Ахмедов Э.Р. Техника йўналиши Олий таълим муассасаларида электротехника ва электроника асослари фанини ўқитишда электрон таълим ресурсларининг дидактик имкониятлари	1196
346.	Жамилов Ю. Ю., Тахиров А.М. Фанга оид компетенцияларни назорат қилиш ва баҳолашда дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш имкониятлари	1199
347.	Тошев Ю. Н., Ахтамов Б.Р. “Технология” дарсларида ўқувчиларга иқтисодий таълим ва тарбия бериш	1202
348.	Fayzullayev N.I., Ergashov M.Y. Yuqori kremniyli seolitning faollanish sharoitini maqbullashtirish	1206
349.		

“БУХОРО ВИЛОЯТИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР”

МАВЗУСИДА РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ - АМАЛИЙ АНЖУМАНИ МАТЕРИАЛЛАРИ

<i>Муҳаррир:</i>	<i>Ғ.Муродов</i>
<i>Техник муҳаррир:</i>	<i>Г.Самиева</i>
<i>Мусахҳиҳ:</i>	<i>М.Рахимов</i>
<i>Саҳифаловчи:</i>	<i>М.Арслонов</i>

Оригинал – макетдан босишга рухсат этилди: 31.01.2020. Бичими 60x84. Кегли 12 shponli. «Times New Roman» гарн. Офсет босма усулида. Офсет босма қоғозида.
Босма табағи 76,6. Адади 100. Буйуртма № 101.

“Шарқ-Бухоро” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Бухоро шаҳар, Ўзбекистон Мустақиллиги кўчаси, 70/2-уй
Тел: (0365) 222-46-46.